Инсон манфаатлари – олий қадрият

# АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 30 ИЮНЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 26 (574) • www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

## Ушбу сонда:

ДАВОНИНГ БОШИ ТАШХИС — тиббиёт — 2
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ — 2
ҲАРБИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ — тарих — 3
ҒАЗОДА ЙИРИК ҲАРБИЙ ОПЕРАЦИЯ — хориж хабарлари — 3
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ СИФАТИ — нуқтаи назар — 4





Н. ХАЙДАРОВ олган суратлар

Азим пойтахт кичик халқа йўлининг Халқлар дўстлиги кўчасида кўприксозлар жадал суръатлар билан иш олиб боришмоқда. Мазкур кўприкни "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компаниясига қарашли "Автомагистрал" ихтисослашган автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш бирлашмаси ҳамда шаҳардаги бошқа корхона, ташкилотлар ҳамкорликда бунёд этишмоқда.

Кўприк қурилаётган бу чорраҳада авваллари ҳайдовчилар ва пиёдалар учун қийинчилик ва талайгина муаммолар туғиларди. Эндиликда эни 30, баландлиги 7,5, узунлиги 350 метр бўлган кўприк қурилиши бу каби муаммоларни бартараф этади. Йўловчи ва ҳайдовчиларнинг хавфсизлиги таъминланади.

Кўприк қурилишида бўлган киши кўприксозларнинг фидокорона меҳнати ва замонавий техникаларнинг зўр шиддат билан ишлаётганини кўриб, Истиқлол шарофати билан эл-юрт, халқ фаровонлигини таъминлаш учун улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганининг гувоҳи бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҚОНУНЛАР, НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ПФ-3641-сонли Фармони қоидаларини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун ўз вақтида топшириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича 1-иловага мувофиқ ишчи гуруҳи тузилсин.

2. Ишчи гуруҳи (Б.Мустафоев):

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони қоидаларини амалга оширишни таъминлайдиган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш жадвалини ишлаб чиқсин ва бунда 2006 йилнинг охиригача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ғонунчилик палатасида муҳокама қилиш учун уларни босқичма-босқич тақдим этиш зарурлигини ҳисобга олсин;

ушбу бандда кўрсатилган Жадвални ишлаб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги Р-2310-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонини амалга ошириш мақсадида қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати"ни асос қилиб олсин;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш чоғида "умрбод қамоқ жазоси" ва "узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш" каби янгидан жорий этиладиган жазо турлари тушунчаси, шунингдек бундай жазо турлари учун тайинланиши назарда тутиладиган жиноятлар таркиби (моддалар рўйхати) аниқ ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратсин;

мазкур Фармойишда кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича вазирликлар ва идораларнинг фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини, ушбу қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги ишга малакали мутахассислар, шунингдек мамлакатимиздаги тадқиқот ҳамда таълим муассасаларининг етакчи эксперт ва олимлари жалб этилишини таъминласин;

ушбу Фармойишда кўрсатилган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш Жадвалининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чоракда маълумот бериб борсин.

3. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг Котиби М. Атаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 29 июнь.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойишига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ПФ-3641-сонли Фармони қоидаларини амалга ошириш борасида мамлакат ҳукумати, адлия, ички ишлар вазирликлари, Олий суд, Бош прокуратура ҳамда бошқа вазирликлар ҳамда идоралар, тадқиқот ва таҳлилий муассасалар томонидан каттагина ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноий жазони ва суд ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасида қонунларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 19 августдаги фармойиши билан ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда унинг умрбод қамоқ жазоси ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш каби жазо турига алмаштирилиши муносабати билан қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тасдиқланган. Шу билан бир қаторда янгидан жорий этиладиган жиноий жазо турлари ижро этилишини таъминлаш механизмлари пишиқтирилмоқда; янги жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ одил судловни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини, судьяларни тайёрлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Мана шу ишларнинг барчасига юзлаб мутахассислар – нафақат юристлар балки иқтисодчилар, журналистлар, турли идораларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг экспертлари, олимлар, кенг жамоатчилик, жумладан маҳаллаларнинг вакиллари ҳам жалб этилган.

Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон қоидаларини муҳокама этишга 238 телекўрсатув, 463 радиоэшиттириш, 270 дан кўпроқ газета ва журнал мақолалари бағишланди; 23 та илмий-амалий конференция, 148 семинар, 265 давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги шу йил 29 июнда қабул қилинган Фармойишининг асосий вазифаси ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришдан, уни амалга оширишнинг якунловчи босқичида ташкилий ишларни кучайтиришдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда.)

## Фермерларга мини банк

Комил САХАТОВ,
«Адолат» мухбири

Қашқадарё вилоят АТБ «Ғаллабанк»нинг Яккабоғ филиали жамоаси 1099 та мижозга хизмат кўрсатади. Шулардан 29 таси савдо, 6 таси дон маҳсулотлари корхонасидир. Шунингдек, банк мижозларининг 41 тасини кичик ва ўрта бизнес субъектлари, 491 тасини эса фермер хўжаликларини ташкил этади.

Филиалда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 4 та фермер хўжалигига ВТ-150 техникаси сотиб олиш учун 11270 минг сўм, 2006 йил ғалла ҳосилига эса барча фермер хўжаликларига 1633900,0 минг сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунинг эвазига 33 та янги иш ўринлари яратилди. Филиал ходимлари туман фермерларига ҳар томонлама замон талаби даражасида банк хизмати кўрсатиш учун чекка қишлоқларда ҳозиргача 5 та мини банк очишга эришдилар. Келгусида яна 5 та худди шундай мини банк ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Ислоҳот одимлари

## «Агромир» Европа бозорига

### 50 хилдаги сифатли маҳсулот экспорт қилмоқда

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Бугун хорижий сармояларни ишлаб чиқаришга жалб этиш қанчалик истиқболли эканлигини Самарқанд туманидаги биргина корхона мисолида кўриш мумкин. Атиги тўрт йил муқаддам ташкил этилган «Агромир» қўшма корхонаси иқтисодий кўрсаткичлар бўйича вилоятда пешқадамлик қилмоқда.

Салкам бир миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция асосида шаклланган қўшма корхона туманда етиштирилаётган мева-сабзавотларни қайта ишлаб, қадоқлаб юз фоиз экспортга жўнатмоқда. Корхона жамоаси жорий йилда 47 минг тонна ҳосилни қайта ишлаб, 3 миллион 400 минг АҚШ доллари миқдоридаги тайёр маҳсулотни чет мамлакатларга сотишни мўлжаллаган. Бу борада Россия, Украина ва Европадаги бошқа қатор мамлакатлар савдо вакиллари билан аллақачон зарур шартномалар имзоланган.

– Мева-сабзавотни ярим хомашё ҳолида қайта ишлаб сотиш режасидан воз кечдик, – дейди корхона раҳбари Умар Ҳамроқулов. – Цехларни замонавий технологик ускуналар ва қадоқлаш линиялари билан қайта жиҳозладик. Тайёрланаётган маҳсулот сифати компьютер бошқаруви орқали назорат қилинадиган бўлди. Натижа эса ёмон бўлмади.

Дарвоқе, «Агромир»даги технология хомашёни жаҳон бозорига мос равишда қайта ишлаш ва қадоқлаш имконини бермоқда. Сиғими 400 граммгача бўлган чиройли қадоқланган идишлардаги турли консерва, мураббо ва шарбатлар ҳар қандай нозиктаъб харидорнинг эътиборини тортмай қолмайди. Россиянинг «Лаконя» фирмаси билан ўзаро ҳамкорлик натижасида керакли қопқоқ ва идишлар олиниб маҳсулот ана шундай харидоргир тус олди.

– Бир йилда 20 хилдаги экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик, – дейди корхона лаборатория бўлими бошлиғи Муҳайё Исмоилова. – Ҳозир бу каби қадоқланган маҳсулотларни «ISO-9001» халқаро сифат сетификатига тавсия этиш устида иш олиб бораяпмиз. Шунда «Агромир»нинг жаҳон бозоридаги нуфузи янада ортиб экспорт борасидаги ортиқча расмиятчиликлар, ишончсизликларга буткул ўрин қолмайди.

Ҳа, бозор рақобати жамоани жиддий изланишларга, фойда ва харажатларни пухта ҳисоблаб боришга ундамоқда. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун сара ҳосил етиштириш бўйича деҳқонлар билан амалий ҳамкорлик қилинаётир. Аниқроғи, «Агромир» деҳқон ва фермер хўжаликларини Голландияда етиштирилган сифатли уруғликлар, ўғит ва кимёвий воситалар билан таъминлаб келмоқда.

Ҳозир корхонада янги мавсумнинг ҳосили пешма-пеш қабул қилиниб қайта ишланмоқда. Ўрик, гилос, олма ортилган автотранспорт воситалари қўшни туманлар хўжаликларидан ҳам тинимсиз қатнаб турибди.

Ишлаб чиқаришни маромида ташкил этиш туфайли бугун корхонада 600 киши доимий иш билан банд. Уларнинг ҳар бири ўртача 50-70 минг сўмдан маош олмоқда. Фазлиддин Мардонов, Шуҳрат Оқилов сингари мутахассислар ҳар гал янги, фойдали таклифлари билан корхона иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Шу боис, бугун «Агромир»нинг хорижий инвесторлар билан ҳамкорлиги, янги технологияларни қўллаш ва экспорт соҳасидаги тажрибаси Самарқанд вилоятида кенг тарғиб этилиб муваффақият билан ўзлаштирилмоқда.

Давра суҳбати

## Тезкор, холис ва ҳозиржавоб

### Айнан шундай тамойилларга таянган матбуотгина ҳақиқий партия нашрига айланади

«Адолат» СДП фракциясининг ташаббуси билан Қонунчилик палатасида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган «Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг матбуот органи: муаммо ва ечимлар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари Дилором Тошмуҳамедова олиб борди.

Давра суҳбатида Қонунчилик палатаси, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, «Адолат» газетаси таҳрир ҳайъати, Республика прокуратураси, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.




Жамиятнинг энг илғор табақаларини бирлаштириб турган сиёсий партиялар нашрларига бошқа нашрларга қараганда кўпроқ ва фаолроқ ҳаётдаги муаммоларни, камчиликларни ёритиш, муаммолар ечими бўйича аниқ таклифларни ўртага ташлаш вазифаси юклатилган.

Айни пайтда фуқаролик жамияти асосини ташкил этадиган сиёсий партияларнинг, шу жумладан, «Адолат» СДПнинг матбуот органи фаолиятини такомиллаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий-сиёсий газета сифатида шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Давра суҳбатидан кўзланган мақсад ҳам партиянинг матбуот органи – «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетасининг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашб ижтимоий-сиёсий жараёнларда таъсир доирасини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишдан иборат эди.

(Давоми 2-бетда.)

Муносабат

## Замонавий журналистика мезони

### Давлатимиз раҳбарининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табриги қўлида қалам тутган ҳар бир ижодкорни ғоят руҳлантириб юборди

Абдумутал НОРБОЕВ,
журналист, «Адолат» СДП аъзоси

Президентимиз ҳар йили матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунида биз ижодкорларни тўла самимият ва жасоратга чорловчи сўзлар билан қутлайдилар. Юртбошимиз ҳар сафар соҳамизнинг муайян қирраларини тилга олади, журналистика мезонларини таърифлайди, улкан рағбат ҳамда улуғ ва эзгу ишларга даъват этади.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Юртбошимиз табригида журналистлар меҳнати ўз таърифини топганидан руҳланиб кетдим. «Ҳозирги кунда, – дейилди табрикномада, – халқимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, заҳматкаш матбуот аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман».

Биз бундай юксак рағбатни қадрлашимиз ва шунга жавобан халқимизни бунёдкорликка даъват этиш, одамлар қалбига йўл топиш учун ёниб ёзмоғимиз, тинмай изланишимиз ва доим ташаббус кўрсатишимиз лозим, деб ўйлайман. Бундай масъулиятли ва шарафли вазифа ижроси ҳаммага ҳам ишониб топширилавермайди.

Ана шу туйғуни чуқур идрок эта олган журналист, ўйлайманки, ижтимоий ҳаётимиз муаммоларини ҳал этишда диёримиз аҳлига мунтазам кўмаклаша олади ва бу йўлда эришилиши керак бўлган янаям юксак муваффақиятларимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Асқар ЖАЛИЛОВ,
журналист, "Адолат" СДП аъзоси

Журналистларнинг байрам табригида мамлакатимиз раҳбари "Оммавий ахборот воситаларимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган ривожланиш йўлига назар ташлар эканмиз, табиийки, журналистларимизнинг бугунги савияси ва даражасини бундан ўн-ўн беш йил аввалги ҳолат билан мутлақо солиштириб бўлмайди" дея таъкидладилар.

Дарҳақиқат, эски давр журналистлари кимнингдир шахсиятини ёки фаолиятини асоссиз танқид қилиш эвазига машҳурлик орттиришдан тоймаган ёинки ўз хонасида ўтириб олиб, воқеа-ҳодиса жойига бормай туриб, бошқалар берган маълумотларни чуқур суриштирмасдан мақола тарзида чоп этаверган бўлса, инсон қадри, унинг ҳуқуқи устивор бўлган ҳозирги пайтда журналист бирон муаммони ёритишдан олдин мазкур соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек қўлга киритилган ютуқ ва йўлга қўйилган камчиликларни чуқур ўрганади, таҳлил қилади, хулоса чиқаради.

Шу билан бирга Интернет ва юксак технологиялардан самарали фойдаланади. Яъни, холисликка эришиш учун "тангани иккинчи томони"ни ҳам ҳисобга олишига тўғри келади. Демак, журналист инсон қадри ва шаънини топташга эмас, унинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга хизмат қилаётгани демократик жамиятнинг асосий талабларидандир.

Фаолларимиз

## Партиямни яхши кўраман

...Ҳар битта аёлнинг оддийгина кундалик турмуш тарзидан қанча сир-синоат топиш, керак бўлса, катта асар яратиш мумкин. Момoжон опа ҳам катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Аёл, бир мунис она сифатида эришиши лозим бўлган кўпгина нарсаларга эришди. Ўзи бошиданоқ тиниб-тинчимас бу аёл бугун фарзандлар ташвишидан елкаси бироз бўшаб, қолган умрини эл-юрт, одамлар ташвиши, қолаверса, партия ишига бағишлашга астойдил киришган.

2-бетда ўқинг

Нуқтаи назар

# Бошланғич таълим сифати

## ўқувчининг касб танлашида, камолотга етишишида муҳим омил бўлади

Нодира ҲАСАНХОНОВА,
Тошкент киновидео техника касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Ўрта ва олий таълим сифатини янада яхшилашга қаратилган тадбирларга таълим ривожини тўлдирувчи омилдир. Зеро, олий таълимнинг юқори сифатли бўлиши — келгусида бошланғич таълим даражасининг янада яхшиланишини иқтисодий тараққиётга хизмат қилишини таъминлайди ҳамда таълим билан амалиётнинг жамият эҳтиёжларига мувофиқлигини вужудга келтиради. Бу нуқтаи назарлар мамлакатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ҳамда соҳага тааллуқли қатор муҳим ҳужжатларда ўз аксини топган.

*Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 30-сонли "Нилуфар" мактабгача таълим муассаси экология йўналишига ихтисослаштирилган. Айни пайтда ушбу муассасада 15 та педагог ходимлар 110 нафар болажонларга меҳр ва тарбия бериб келмоқдалар. Боғчада "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан "Ўзэкспомарказ" томонидан ҳомийлик ишлари амалга оширилиб, у ерга ҳомий томонидан жажжиларнинг соғломлаштириш мақсадида физеотерапия хонаси ташкил қилинди. Бу ерда болаларни тарбиялаш билан биргаликда уларни вақти-вақти билан тиббий кўрик ва муолажаларни ўтказишда боғча шифокори М.Назарова ва М.Худойназаровалар тинимсиз иш олиб боришмоқда.*



Н. ХАЙДАРОВ олган суратлар

Таълим сифатини яхшиланишига — авваламбор, ёш кадрларни қатор касбларни етарлича билиши, билганда ҳам уларнинг ўзига хос қийинчиликларини ҳис эта олиши каби мезонлар қирраларидан қараш керак, чамамда. Экспертларнинг касб танлаш бўйича олиб борган сўровномалари натижаларининг кўрсатишича, ёшларнинг 5 фоизи касбни мактаб тавсиясига биноан, 30 фоизи ўртоқларининг маслаҳатига кўра, 15 фоизи рўзнома, радио, телевидене орқали берилган эшиттириш, кўрсатув ҳамда эълонларга кўра, 15 фоизи қўни-қўшни, таниш-билишларининг маслаҳатларига мувофиқ, қолганлари ота-оналари тавсияси бўйича танлашган ва йўналишига қараб, у ёки бу ўқув юртларига киришган. «Сиз нима учун бу касбни танладингиз?» деган саволга 45 фоиз ёшлар «бу ҳақда ҳали ўйлаб кўрганим йўқ» — деб жавоб берганлар.

Ҳозир ёшларни касбга йўналтириш масалалари билан асосан давлат, жамоат, ёшлар ташкилотлари шуғулланишмоқда. Бундан ташқари корхона (фирма)лар, тадбиркорлар ҳам яқиндан ёрдам беришаётгани бор гап.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнлари ёшларнинг касб танлашларига эътиборни янада кўпроқ қаратишни тақоза қилаяпти. Чунки, айнан бозор талаби охир-оқибат у ёки бу касбни танлашга ундайди. Шу боис, уларни касбга йўналтиришда ҳар бирига алоҳида ёндашиш талаб этилади. Зеро, ҳар бир шахс ўз иродаси, тиришқоқлиги, ташаббускорлиги, топширилган ишни масъулият билан бажариши ва бошқа хислатлари билан фарқ қилади. Масалан, уларнинг индивидуал ўзига хос хусусиятлари, айниқса, ахборот қабул қилиш қобилиятларида ёрқин намоён бўлади.

Психологлар одамларни интроверт ва экстроверт гуруҳларига бўлишади. Экстроверт гуруҳидаги ёшлар кўпроқ фаол ғайратчанлик талаб қиладиган ва ҳамкорликда бажариладиган ишларни ёқтиришади. Интроверт гуруҳидаги ёшлар эса индивидуал тарзда бажариладиган ва чуқур мулоҳаза талаб қилинадиган ишларга мойилроқ бўлишади. Бундан келиб чиқадики, ёшларни касб танлашида ота-оналар, ўқитувчи-устозлар даставвал уларни мазкур гуруҳларнинг қайси бирига мансублигини ҳисобга олишлари мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳар бир ёш (йигит-қиз) эгаллаган касб унинг ўз хислатига тўғри келмаса, келгусида ишидан кўнгли тўлмайди ва мутахассислигидан вақт ўтиши билан секин-аста кўнгли совиб боради.

Кўпчилик ҳолларда ёшларнинг касбни тўғри танламаслиги — гарчанд улар дастлабки пайтларда ўқишга қизиқиш билан қарашгандек бўлишса-да, кейинчалик бу ҳол аста-секин сўниб боради. Чунончи, ёшлар ўртасида ўтказилган савол-жавоб натижаларидан маълум бўлдики, биринчи йили ўқиётган талабаларнинг 15, иккинчи йили ўқиётганларнинг 10 фоизигина ўзлари танлаган касбларидан мамнунлигини айтишди, холос. Шу нуқтаи назардан ҳам бошланғич касб таянчини берувчи касб-ҳунар коллежларида биринчи курсдан бошлабоқ «Мутахассисликка кириш» фани ўқитилади. Бу орқали талабалар касб тўғрисида секин-аста тушунча олиб боришади. Ўқиш ва уқиб олиш даражаси эса кейинчалик уларда танланган касбнинг шаклланишига ёрдам беради.

Хотира

# Устоз боғи

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири



Ҳаёт боғ бўлса, инсон унинг боғбонидир. Боғбоннинг заҳматли меҳнати туфайли ёш ниҳоллар бўй кўрсатиб кўзни қувонтиради. Устоз муаллим Собиржон Сатторов ҳам ёш авлоднинг чинакам ғамхўри, уста боғбони эди. У киши ўстирган, парваришлаган боғнинг бугун сархил, ширин-шакар мевалари кўп.

Фидойилик инсон умрининг безаги, деб бекорга айтишмаган. Болалигида зиёли оилада тарбия топган Собиржон 1955 йили ўрта мактабни битиргач, Тошкентдаги Тиббиёт институтида таҳсил олди. 1963 йили уни Термиз шаҳар билим юртига директор этиб тайинлашганида энди ташкил этилган даргоҳни оёққа турғазиш осон бўлмади. Собиржон Сатторовнинг саъй-ҳаракатлари билан қисқа муддатда билим юртининг янги ўқув бинолари, ётоқхона, ошхона, клуб, спорт майдончалари барпо этилди, атрофлари ободонлаштирилди. Билим юртининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Раҳматилло Норов ўша кунларни хотирлаб, шундай дейди:

— Эшик очиб хонамга кирганимда дастлаб устозимнинг суратига кўзим тушади. Билим юртида ишлаб юрган кезларимда у кишидан олган сабоқларим кўз олдимдан ўтаверади.

Дарвоқе, Термиз тиббиёт билим юрти ўша пайтдаёқ республикамиздаги обрўли илм даргоҳларидан бирига айланди. Бу ерда малакали мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйишда Самарқанд, Тошкент, Андижон тиббиёт институтларидан етук мутахассислар жалб қилинди. Москва, Ленинград, Киев, Харков шаҳарларидаги йирик илмий марказларда ходимлар малакаси оширилди. Буларнинг барига Собиржон Сатторов бош-қош бўлди. Бундан ташқари, у илмий изланишни ҳам тўхтатиб қўймади. 1975 йили «Чақалоқларда ўткир зотилжам касаллигида қондаги ёғлар ва оқсиллар алмашинувининг асосий кўрсаткичлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Собиржон Сатторов илмий-педагогик фаолияти давомида тиббиёт билим юртида йигирма мингга яқин ўрта тиббиёт ходимига оқ йўл тилаб, ҳаётга кузатган муътабар устозлардан эди. Бу ҳақда билим юртининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Носир Нишонов, физика фани ўқитувчиси Болта Абдусаматов, фармакология фани ўқитувчиси Очилди Ҳамзаевлар қониқиш билан ҳикоя қилишади.

Собиржон Сатторов умр йўлдоши Гулчеҳра опа билан беш фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Ҳозирги кунда бу хонадонда униб-ўсган фарзандларнинг барчаси олий маълумотли. Устоз муаллимнинг икки фарзанди тадбиркор, катта қизи Дилдора невропотолог, Шавкат Ўрта Осиё педиатерапия институтини битириб, мана 12 йилдирки Термиз тиббиёт коллежида ўқитувчилик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда фидойи устоз бошлаган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

— Бугун коллежимизда таҳсил олаётган 2921 нафар талаба у яратган боғда сайр этиб, кўркам, замонавий биноларда сабоқ олиб, устозни эслаб келишаётир, — дейди тиббиёт коллежи директори Чори Бўтаев. — Дарахт қанчалар сершох, барги қалин бўлса, сояси шу қадар кенг бўлади. Собиржон акани ана шундай серсоя, сервиқор чинор дарахтига ўхшатгим келади.


**Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Сурхондарё вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси**
**ДЕНОВ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ**

**ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**Коллежда қуйидаги ихтисосликлар бўйича таълим берилади:**
*1. Умумқурилиш ишлари (ғишт терувчи, бетончи-арматурачи, пўлат ва темирбетон конструкцияларини ўрнатиш устаси, электрогазпайвандчи).*
*2. Тикувчилик, ишлаб чиқариш (кенг ассортиментдаги кийимлар бўйича иш устаси, бичувчи, андозачи.)*
*3. Бухгалтерия (бухгалтер-аудитор, бухгалтер-иқтисодчи).*
*4. Мураббий-ўқитувчилик (миллий спорт турлари, олимпия спорт турлари, техник ва амалий спорт турлари бўйича).*
*5. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш (автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича чилангар, автомобиллар электр жиҳозларини таъмирлаш бўйича электрик, «Б» ва «С» тоифали ҳайдовчи).*
*6. Турар-жой ва жамоат биноларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва фойдаланиш (кўчмас мулк кадастри бўйича инспектор, бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўйича техник).*
*7. Қурилиш-пардозлаш ишлари (қурилиш бўёқчиси, сувоқчи, кошинкор мозаикачи, мармарчи, силлиқловчи).*
*8. Дурадгорлик ва паркет ишлари (дурадгор, ойна солувчи, паркетчи).*
*9. Газ таъминоти тизими жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш (газ таъминоти тизими бўйича монтажчи, газ таъминоти тизими жиҳозларини таъмирловчи чилангар, электргазпайвандчи).*

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:**
*1. Коллеж директори номига ариза.*
*2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.*
*3. 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома.*
*4. 3х4 ҳажмидаги 4 дона фотосурат.*
*5. Яшаш жойидан маълумотнома.*
*6. Паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома.*

**Манзил: Денов шаҳри, А.Ниёзов кўчаси, 20-уй.**



**Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Сурхондарё вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси**
**САРИОСИЁ ИҚТИСОДИЁТ КОЛЛЕЖИ**

**ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**Коллеж иқтисодий йўналишдаги ўқув юрти бўлиб, унда қуйидаги ихтисосликлар бўйича таълим берилади:**
*1. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит.*
*2. Банк иши.*
*3. Молия.*
*4. Солиққа тортиш.*
*5. ЭҲМ ва компьютер мутахассислиги.*

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:**
*1. Коллеж директори номига ариза.*
*2. 9-синфни тамомлагани тўғрисидаги шаҳодатнома (асл нусхаси).*
*3. 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома.*
*4. 3х4 ҳажмидаги 6 дона фотосурат.*
*5. Яшаш жойидан маълумотнома.*
*6. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.*
*7. Ташхис марказидан берилган тавсифнома.*
***Ўқиш муддати — 3 йил.***

**Манзил: Сариосиё тумани, Й. Охунбобоев номли ширкат хўжалиги, «Янги ҳаёт» маҳалласи.**


Қилмиш — қидирмиш

# Ният эзгу бўлмаса

Мақсуд ҒУЛОМОВ,
Бектемир туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛҚК бўлими катта суриштирувчиси

Президентимизнинг шу йил қабул қилган «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш Департамент органлари зиммасига юклатилган. Юқорида қайд қилинган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги тизимдаги барча тезкор-тергов, банк, бошқарув ва назорат қилувчи тузилмаларнинг иқтисодий ва молиявий соҳалардаги ҳуқуқ бузилишларини ўз вақтида аниқлаш ва зарарсизлантириш бўйича комплекс ва аниқ мувофиқлаштирилган тарзда фаолият кўрсатишларини талаб этади.

Ана шундай ҳамкорликдаги тадбирлар натижасида бир неча ҳуқуқбузарликларга чек қўйилди. Жумладан, Бектемир тумани Қўйлиқ бозоридан Роҳат кўли йўналишида ҳаракатланаётган 30 F 0073 ва 16 K 4203 давлат рақами «КамАЗ» русумли юк автомашиналари тўхтатилиб, холислар иштирокида текширилганда, автомашиналар юкхонасида Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган 30 тонна ун маҳсулотлари мавжудлиги аниқланган.

«Юк эгаси» Ҳамидулла Ҳабибуллаев белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, фойда олиш мақсадида савдо фаолиятини амалга оширмоқчи бўлган. У Наманган шаҳрида яшовчи хусусий тадбиркор З.Ибрагимовга 30 тонна унни ноқонуний бериб юбориб, савдо қоидаларини қўпол равишда бузган. Олиб қўйилган ун маҳсулотларини мутахассислар 7.200.000 сўмга баҳолашди. «Юк» эгаси эса қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Набихўжа Дадихожеев ва Иброҳим Якубовлар ҳам савдо қоидаларини жуда кўп марта бузишган. Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган 45 тонна унни амалдаги тартибга зид ҳолда улгуржи сотишган. Фойда оламан, дея ножўя ишга қўл урганлар энди афсусда. Агар юқорида номлари қайд этилган фуқаролар оқибатини ўйлаб иш тутганларида ортиқча ташвишга қолмасдилар. Зеро, инсон бир ишга қўл уришдан аввал унинг оқибатлари ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриши зарур.


**Информация — сообщение о существенном факте**
**ОАО «RTPF-TIJORAT»**
**порядковый номер сообщения - 09**

**Полное наименование:** *Открытое акционерное общество «RTPF-TIJORAT»*
**Место нахождения (почтовый адрес) эмитента:** *700011, г. Ташкент, Шайхантаурский район, ул. Навои, 25*
**Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН) эмитента** - *201058198*
**Номер регистрации проспекта эмиссии:** *15-14-1-1417 от 17.07.1998 г.*
**Вид общего собрания:** *годовое общее собрание акцинеров*
**Форма проведения общего собрания:** *очное*
**Дата проведения общего собрания:** *15 июнья 2006 г. в 11.00 часов.*
**Дата подписания протокола** - *29 июнья 2006 г.*
**Место проведения собрании** - *г. Ташкент, ул. Навои, 25*
**Кворум общего собрания** - *98,6 %*

**Вопросы, поставленные на голосование и итоги голосования по ним:**
1. Отчет генерального директора о финансово-хозяйственной деятельности в 2005 г.
Решение принято единогласно .
2. Утврех
ждение заключения аудитора.
Решение принято единогласно .
3. Утверждение бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков за 2005 г.
Решение принято единогласно .
4. Утверждение аудитора на 2006 год.
Решение принято единогласно .
5. Утверждение Бизнес-плана на 2006 год.
Решение принято единогласно .
6. Аннулирование акций ОАО «RTPF TIJORAT», выкупленных у ООО «Сагбон-Гузар».
Решение принято единогласно .
7. Преобразование ОАО «RTPF TIJORAT» в Общество с ограниченной ответственностью с одноименным названием.
Решение принято единогласно .

**Наблюдательный совет**



Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг ижтимоий-сиёсий газетаси

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
Қабулхона — 133-40-86, 136-53-14
Факс — 133-41-89
Котибият — 136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти бўлими — 133-41-89
Хатлар бўлими — 136-55-64
Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39
Иқтисодиёт ва саноат бўлими — 136-54-39
Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр Тошназаров
Навбатчи — Носир Ҳайдаров
Саҳифаловчи — Латифжон Турсунов

● «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 800
Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган
Қоғоз бичими А-2.
Адади — 1707

Нашр индекси — 100

Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди —